

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **123** Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» 2013 йил 20 мартдаги ПҚ-1940-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни сақлаш соҳасига ва уларнинг зарур ҳолатда бўлишини қўллаб-қувватлашга инвестициялар ва бюджетдан ташқари молиялаштириш ҳажми ортиб бориши учун шарт-шароитлар яратиш, ушбу объектлардан маданий-ўрганиш ва туризм мақсадларида кенгроқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шу асосда ўзаро боғлиқ инфратузилма ва хизматлар соҳаси объектлари сонини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва барча даражалардаги бюджетларни кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага беришга доир тадбиркорлик фаолияти субъектларининг таклифларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ҳукумат комиссияси (А.И. Икрамов) икки ҳафта муддатда комиссия иши регламентини тасдиқласин.

#### 3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин. Қарор лойиҳасида шу жумладан молиялаштиришнинг аниқ манбалари ва мод-

дий маданий мерос объектларида реставрация-тиклаш ишларини амалга ошириш тартиби назарда тутилсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди учинчи хатбошига «театр-томоша корхоналарининг мол-мулкани» сўзларидан кейин «шунингдек моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда» сўзлари қўшилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 6 март,  
53-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 6 мартдаги 53-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ  
ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда  
сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда  
ижарага бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат мулки бўлган моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда тадбиркорлик фаолияти субъектларига ижарага бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ижарага олувчи** — ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва шартларда объектнинг ижара шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс

— тадбиркорлик фаолияти субъекти (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти);

**ижарага берувчи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги давлат мулкани ижарага бериш марказлари;

**худудни ободонлаштириш** — объектларнинг тарихан шаклланган ташқи кўринишини ҳисобга олган ҳолда ер юзаси қопламасидан фойдаланиш, манзарали кўкаламзорлаштириш ва сув чиқариш, мукамал бўлмаган иншоотлар ва кичик архитектура шакллари қуриш, ташқи томонини ёритиш, кўзга кўринарли ахборот, реклама ва бошқа воситалар ҳисобига худудни яхшилаш чора-тадбирлари қўлланган ҳолда амалга ошириладиган худуднинг хавфсизлиги, қулайлиги ва бадиий ифодалилигини таъминлашга ҳамда унинг атрофида қулай туризм инфратузилмасини яратишга доир чора-тадбирлар;

**объектнинг ташқи кўриниши** — объектнинг ижарага олувчига берилган пайтдаги ташқи кўриниши;

**инвестиция мажбуриятлари** — объектни ва унга туташ худудни зарур тарзда сақлаш, тиклаш, ободонлаштириш ҳамда ундан фойдаланиш мақсадида шартнома шартлари бўйича ижарага олинadиган инвестициялар киришига доир мажбуриятлар;

**танлов** — танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган мезонлар ва шартларга мувофиқ талабгорлар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлаш воситасида ижарага олувчини аниқлаш шакли;

**объектлар** — давлат мулки бўлган ва ўзида тарихий, илмий, бадиий ёки бошқа маданий қимматни ифодаладиган моддий маданий мерос объектларини, яъни ҳайкаллар, ансамбллар ва диққатга сазовор жойлар;

**муҳофаза тахтчаси** — мрамрдан тайёрланган, ёзув ёзилган, номи, объект яратилган сана, шунингдек ушбу объект моддий маданий мерос объекти ҳисобланиши ҳамда шакли ва ўлчами Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан белгиланадиган давлат муҳофазасида эканлиги кўрсатиладиган тахтча;

**талабгор** — моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ худудларни инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда, таклиф этилган шартларда ижарага олиш учун талабгорларни танлаш бўйича танловда иштирок этиш ниятини билдирган юридик ёки жисмоний шахс — тадбиркорлик фаолияти субъекти (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

3. Уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага берилadиган моддий маданий мерос объектлари рўйхатига (кейинги ўринларда рўйхат деб аталади) киритилган объектлар ижарага берилиши мумкин.

4. Рўйхат объектларни хатловдан ўтказган ва объектларнинг тарихий-маданий экспертизаси ўтказилган ҳолда уларнинг сон ва сифат тавсифлари тўғрисида тайёрланган ахборот асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси (кейинги ўринларда Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан

фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси деб аталади) томонидан шакллантирилади.

5. Рўйхатни тасдиқлаш моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ худудларни инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага беришга доир тадбиркорлик фаолияти субъектларининг таклифларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда Ҳукумат комиссияси деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Рўйхат Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи ҳисобланадиган Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) таклифлари асосида, заруриятга кўра, Ҳукумат комиссияси томонидан қайта кўриб чиқилади.

6. Ишчи орган рўйхат тасдиқлангандан кейин уни объектларни ижарага бериш шартлари билан бирга ижарага берувчига юборади.

7. Объектларни ижарага бериш ушбу Низомга иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

## II. Объектларни ижарага бериш шартлари

8. Ижарага берилган объектлардан уларда:

- а) кўргазма заллари;
- б) меҳмонхоналар;
- в) алкогольли ичимликлар сотилмайдиган умумий овқатланиш шохобчалари (чайхоналар, кафелар, ошхоналар, ресторанлар);
- г) хунармандчилик марказлари (ўймакорлик, тикув, қўлда бажариладиган тўқув ишлари, ганчга, дарахтга нақш ўйиш, эсдалик совғалари тайёрлаш), бадий-ижодий устахоналар;
- д) савдо фаолияти (алкоголли ичимликлар сотилмайдиган);
- е) эсдалик совғалари ва хунармандчилик буюмлари сотиш;
- ж) компьютер, нусха кўчириш ва Интернет-хизматлар, фотосалонлар;
- з) идоралар, агентликлар, туризм бюрolari;
- и) спорт заллари, кинотеатрлар;
- к) банклар, почта хизматлари пунктлари, авиа ва темир йўл кассалари, маиший техникага сервис хизмати кўрсатиш пунктлари;
- л) модалар ательеси, гўзаллик салонлари, намойиш қилиш заллари;
- м) кутубхоналар, анжуманлар заллари, музейлар, болалар тўғарақлари, чет тиллар курслари ташкил этиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

9. Диний объектлар ушбу Низомнинг 8-банди «д», «ж», «з», «и» ва «л» кичик бандларида кўрсатилган мақсадлар учун ижарага берилиши мумкин эмас.

Объектлардан ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш фақат Ҳукумат комиссиясининг қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

10. Объектлар уларга нисбатан ижарага берувчида:

илгари тузилган давлат мулкнинг ижара шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги;

уларнинг муомалага лаёқатсизлиги ва чекланган муомала лаёқати (жисмоний шахсларга нисбатан) тўғрисида ишончли маълумотлар мавжуд бўлган шахсларга ижарага берилмайди.

11. Ижарага берилган объект, шунингдек ижарага олувчининг объектни ёки унинг бир қисмини ижарага олиш ҳуқуқи ўзгага берилиши, гаровга қўйилиши ёки ижарага берувчи томонидан бошқача тарзда учинчи шахсларга инъом қилиниши мумкин эмас. Ижарага олувчи ижарага олинган объектни, шу жумладан субижара шартларида учинчи шахсларга беришга ҳақли эмас.

### III. Объектларни ижарага бериш тартиби

12. Ижарага берувчи объектларни ижарага бериш мақсадида ижарага бериладиган объектлар бўйича эълон беради, объектларни ижарага олишга буюртманомаларни қабул қилади ва уларнинг рўйхатдан ўтказилиши, махфийлиги ва сақланишини таъминлайди.

13. Ижарага бериладиган объектлар бўйича эълон мажбурий тартибда даврий нашрларда, шунингдек ишчи орган, Давлат рақобат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши шарт.

14. Объектнинг ижараси тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

ижарага берувчининг номи ва почта манзили, у билан боғланиладиган телефон ва факс, электрон почта манзили;

объектни бериш шартлари, ижара объекти тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан реставрация-тиклаш ишларини олиб бориш, уни сақлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шартлари, Моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритилган кадастр ахбороти ва бошқа зарур маълумотлар;

инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдорлари;

объектни ижарага олиш муддати;

Ҳукумат комиссияси ва унинг ишчи органининг хохишига кўра бошқа маълумотлар.

15. Танловда иштирок этиш учун тушган буюртманомалар ижарага берувчи томонидан уч иш куни мобайнида ишчи органга берилади.

16. Ишчи орган ижарага берувчи иштирокида тушган буюртманомаларни уларнинг эълонда назарда тутилган танлов шартларига мувофиқлиги юзасидан ўн иш куни мобайнида ўрганади ва уларни кўриб чиқиш учун Ҳукумат комиссиясига киритади.

Ҳукумат комиссияси ишлари унинг ўзи тасдиқлайдиган регламентга мувофиқ ташкил этилади.

17. Талабгорларни танлаш Ҳукумат комиссияси томонидан, танлов асосида амалга оширилади.

18. Танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ташкил этиш (тушган таклифларни экспертиза жиҳатидан баҳолаш, Ҳукумат комиссияси то-

монидан кўриб чиқиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш, шунингдек Ҳукумат комиссияси ишларини юритиш ишчи орган томонидан амалга оширилади.

19. Талабгорларнинг таклифлари Ҳукумат комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади.

20. Ҳукумат комиссиясининг мажлислари унинг аъзоларининг камида тўртдан уч қисми иштирок этган тақдирда, заруриятга кўра ўтказилади.

21. Ҳукумат комиссиясининг қарорлари мажлисда ҳозир бўлган Ҳукумат комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Ҳукумат комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

22. Ҳукумат комиссиясининг қарорлари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомани Ҳукумат комиссияси аъзолари имзолайди ва унинг раиси тасдиқлайди.

Баённомани имзолашда Ҳукумат комиссияси аъзолари ўзларининг алоҳида фикрини ёзма шаклда баённомага илова қилишга ҳақлидир.

23. Танлов ғолибини аниқлаш бўйича Ҳукумат комиссияси қарорлари баённома имзолангандан кейин бир кун мобайнида ижарага берувчига юборилади.

#### IV. Объектнинг ижара шартномасини тузиш

24. Таклифларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома асосида тегишли объектнинг ижара шартномаси тузилади.

25. Моддий маданий мерос объекти ва унга туташ ҳудуд инвестиция мажбуриятлари олинган ҳолда ижарага бериш бўйича танловга қўйилгандан кейин уч ой мобайнида қизиқиш бўлмаган ва танлов бўлиб ўтмаганлиги эътироф этилган тақдирда ижарага берувчи унинг Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланган шартларда ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибда тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш (оммавий оферта) йўли билан ижарага берилиши тўғрисида матбуотда эълон беради.

26. Объектнинг ижара шартномаси Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси, балансда сақловчи, ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида тузилади. Шартнома таклифларни кўриб чиқиш баённомасида кўрсатилган муддат мобайнида барча тарафлар томонидан имзоланиши керак.

27. Объектнинг ижара шартномасида қуйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилади:

объектнинг тўлиқ номи ва жойлашган жойи (объектнинг тавсифи);

объектнинг шартнома тузилган кундаги техник ҳолати;

объектдан фойдаланиш мақсадлари;

объектга нисбатан ижарага олувчининг қўриқлаш мажбурияти (объектни сақлаш ва унинг кўринишини, шунингдек интерьернинг тарихий деталларини сақлаш бўйича мажбуриятлар);

объектда ишларнинг барча турларини бажаришга, шу жумладан унинг ташқи кўринишини, интерьерни ва туташ ҳудудни Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси билан ёзма келишувсиз ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги шартлар;

ижарага олувчининг реставрация-тиклаш ишларини ва бошқа ишларни фақат Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишилган лойиҳага мувофиқ бажариш тўғрисидаги мажбурияти;

объектнинг шартнома тўхтатилгандан кейинги ҳолати ва уни қайтариш тартиби;

туташ ҳудудни ободонлаштириш бўйича талаблар;

ижарага олувчининг ташриф буюрувчилар ва туристлар учун қулайликлар (шу жумладан амалдаги санитария талабларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ жиҳозланган ҳожатхоналар) яратиш бўйича мажбурияти;

объектга киритишнинг иш кунлари ва соатлари кўрсатилган шартлари; объектдан фойдаланишнинг шартлари, тартиби ва аниқ муддатлари;

объектга маблағларни инвестициялаш шартлари, тартиби, аниқ муддатлари ва миқдори;

ижарага олувчи томонидан олинган мажбуриятлар ижросининг ҳолати тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси, балансда сақловчи ва ижарага олувчининг шартнома шартлари бажарилишини назорат қилиш бўйича ваколатлари;

шартномани тўхтатиш ва узайтириш шартлари;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

шартнома талаблари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар.

28. Шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида объектнинг ижараси тўғрисидаги шартномада қўйидаги ҳолларда:

ижарага олувчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

объектда реставрация-тиклаш ишлари ва бошқа ишлар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишилмаган лойиҳасиз ёки тасдиқланган лойиҳа бузилган ҳолда бажарилганда;

ижарага олувчининг хатти-ҳаракати объектнинг яроқсиз ҳолга ёки унинг бузилишига олиб келган ҳолатлар аниқланганда ижарага берувчининг талаби билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

29. Объектнинг ижара шартномаси беш йил муддатга тузилади. Ижара шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш Ҳукумат комиссиясининг қарори асосида амалга оширилади.

30. Ижарага бериладиган объектлар ҳисобини юритиш мақсадида ижарага олувчи ижара шартномаси тузилгандан кейин реестрга ёзувни киритади, ижара шартномаси асл нусхасининг ҳар бирига ҳисобга олиш ёзувининг

санаси ва рақамини кўрсатган ҳолда ҳисобга олиш тўғрисида белги қўяди, уни муҳр билан тасдиқлайди.

Уч нусхада расмийлаштирилган ижара шартномасининг асл нусхалари бир нусхадан Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасига, ижарага олувчига берилади ва бир нусхаси ижарага берувчида қолади.

31. Объектнинг ижара шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

32. Ижарага олувчилар шартнома тузилган кундан бошлаб беш йил муддатга ижара тўловининг ҳисоблаб чиқилган қийматининг 80 фоизи миқдориди ижара тўловини тўлашдан озод этиладилар. Ушбу муддат Ҳукумат комиссиясининг қарори асосида шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилган ҳолларда узайтирилиши мумкин.

Ижара тўловининг ҳисоблаб чиқилган қийматининг қолган қисми, шунингдек ижара тўлови тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун ундирилган пеня ва шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун солинган жарима суммаси ижарага берувчининг транзит ҳисоб рақамларига тушади ва бир иш куни мобайнида қуйидаги тартибда тақсимланиши керак:

50 фоизи ижарага берувчида қолдирилади;

маблағларнинг 50 фоизи Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг маҳсус жамғарма ҳисоб рақамида жамланади.

33. Объектни ижарага олувчининг инвестиция мажбуриятларининг энг кам суммаси ижара шартномаси тузилган кунда қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқиладиган, ижара шартномасининг амал қилиш муддатига (йиллар сонига) кўпайтирилган ижара тўловининг йиллик суммасидан кам бўлиши мумкин эмас.

34. Бериладиган объектлар бўйича ижара тўловининг ҳисоб-китоби (ижара тўловининг таянч ставкаси) Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандида назарда тутилган тартибда аниқланади.

Бунда коммунал ва фойдаланиш харажатлари ижарага олувчи томонидан мустақил равишда тўланади.

35. Ижара тўлови ижарага олувчи томонидан ижара тўловининг охири белгиланган миқдоридан ва ижаранинг қолган муддатидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилган тенг даврий (чораклик, ойлик ва бошқалар) тўловлар билан киритилади. Тўлов объектнинг узоқ муддатли ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда ҳар бир кейинги давр (чорак, ой ва бошқалар) учун юз фоиз олдиндан ҳақ тўлаш шаклида амалга оширилади.

## **V. Ҳукумат комиссияси, ишчи орган ва ижарага берувчининг асосий функциялари**

36. Ҳукумат комиссияси юкланган вазифаларга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томо-



нидан ишлаб чиқилган реставрация-тиклаш ишларини бажариш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ҳар бир объект бўйича инвестицияларнинг энг кам миқдорларини ва ижарага бериш муддатларини индивидуал тасдиқлайди;

ҳар бир объект бўйича объектларнинг асосий йўналишларини ва улардан фойдаланиш мақсадларини индивидуал белгилайди;

ваколатли органларнинг улар бўйича уларни ижарага бериш тўғрисида Ҳукумат комиссиясининг қарори қабул қилинган объектларнинг ҳолати, сақланиши ва ободончилиги мониторинги натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқади;

ижарага бериладиган объектларни реставрация қилиш ва тиклаш дастурларини тасдиқлайди;

ошкоралик, баҳолашнинг холислиги ва талабларнинг ягоналиги тамойиллари асосида танлов иштирокчилари учун тенг рақобат шарт-шароитлари яратади;

объектларни ижарага бериш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек жалб этилган эксперт компаниялар ва маслаҳатчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этади;

объектларни ижарага бериш учун талабгорларнинг энг фойдали таклифларини танлайди.

#### 37. Ишчи орган:

ижарага берилётган объектларда реставрация-тиклаш ишларини бажариш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқади;

Ҳукумат комиссиясига танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг молиявий ва техник шартлари, инвестиция таклифларини баҳолаш тартиби, голибни танлаш мезонлари, тўловларнинг тартиби ва шартлари тўғрисида таклифлар киритади;

улар бўйича ижарага бериш тўғрисида Ҳукумат комиссиясининг қарори қабул қилинган объектларни зарур ҳолатда сақлаш, уларнинг сақланиши ва ободончилиги бўйича мониторинг олиб борилишини ташкил этади;

талабгорларнинг сўрови бўйича уларга ижарага берилётган объект, унинг тавсифи ва у билан боғлиқ бошқа маълумотлар билан танишиш имкониятини беради;

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўзига юкланган вазифаларни таъминлаш учун зарур бўлган ахборотни олади;

Ҳукумат комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни ўз вақтида ва тўлиқ бажаради;

Ҳукумат комиссияси мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ҳал этади;

қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

#### 38. Ижарага берувчи объектларни ижарага бериш мақсадида:

объектнинг тузиладиган ижара шартномасида қатнашади ҳамда шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилиши махфийлигини ва сақланишини таъминлайди;

ижарага берилаётган объектни тегишли хизматлар билан таъминлаш бўйича шартнома лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда ишчи орган, коммунал ва фойдаланиш хизматлари кўрсатувчилар (зарурият бўлганда) билан келишади;

объектларнинг ижара шартномалари ҳисобини юритади.

## VI. Ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

39. Ижарага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

инвестиция фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқларни таъминлаш; объектларни сақлаш ва улардан фойдаланиш мезонлари билан олдиндан танишиш;

объект, уни сақлаш ва ундан фойдаланиш тўғрисида тўлиқ маълумот олиш; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда капитал қўйилмаларни ҳимоя қилиш;

давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорлари, хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан суд тартибида шикоят қилиш;

унинг томонидан инвестиция мажбуриятлари зарур тарзда бажарилган тақдирда Ҳуқумат комиссиясининг қарори билан шартномани навбатдаги муддатга узайтириш.

Ижарага олувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

40. Ижарага олувчи қуйидагиларга мажбур:

объектлар, боғлар, истироҳат боғлари, иншоотлар, санъат асарлари, тарихий-бадий аҳамиятга эга бўлган буюмларни зарур тарзда сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича режимга риоя қилинишини ва уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни таъминлаш;

объектдан фақат ижара шартномасида белгиланган мақсадда фойдаланиш;

объектга нисбатан ижарага олувчининг муҳофаза мажбуриятини бажариш;

объектга зарур тарзда қараш, уни тиклаш, сақлаш ва ундан фойдаланиш бўйича мажбуриятларни бажариш;

белгиланган миқдорларда ва муддатларда қабул қилинган инвестиция мажбуриятларни бажариш;

объектнинг ҳолати ва шартнома мажбуриятлари бажарилиши тўғрисидаги даврий ахборотни ижара шартномасида назарда тутилган муддатларда Маданият ва спорт ишлари вазирлигига тақдим этиш;

давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатлари нормаларига зид бўлмаган талабларини бажариш;

мухофаза тахтачасини ўз ҳисобидан ўрнатиш ва/ёки янгилаш.  
Ижарага олувчига шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

## **VII. Объектларнинг ижара шартномалари талаблари бажарилишини назорат қилиш тартиби**

41. Ижара шартномасининг амал қилиш муддати мобайнида Маданий мерос объектларини мухофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси:

шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича олинган ахборотни таҳлил қилиш;

шартнома мажбуриятлари бажарилишини ва объектнинг ҳолатини жойнинг ўзида ўрганиш;

бажариладиган ишларнинг тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш йўли билан ижарага олувчи томонидан ижара шартномасига мувофиқ ўз зиммасига олинган мажбуриятлар зарур тарзда бажарилишини мунтазам равишда назорат қилади.

Ушбу мақсадларда Маданий мерос объектларини мухофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси:

ижара шартномасида назарда тутилган ҳажмда ва тартибда ижарага олувчидан ахборотни сўрашга;

зарурият бўлганда объектнинг физик ҳолатини ижарага олувчининг хўжалик фаолиятига аралашмасдан кўздан кечиришга;

ижарага олинган объектдан фойдаланиш шартлари бажарилиши ҳолатини, ижарага олувчи томонидан учинчи шахслар ҳуқуқларига риоя қилинишини (сервитут, гаров ва шу кабиларни) ўрганишга;

қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

## **VIII. Яқунловчи қоидалар**


42. Ижарага берилган объект бўйича ижара тўлови ўз вақтида ва зарур тарзда ҳисоблаб чиқилиши, киритилишини назорат қилиш ижарага берувчи томонидан амалга оширилади.

43. Инвестиция мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш ва унинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

44. Ушбу Низом шартларининг бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

Низомга  
ИЛОВА

**Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ  
худудларни инвестиция мажбуриятлари олинган ҳолда  
ижарага бериш  
СХЕМАСИ**



Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
7-босқич	Хукумат комиссияси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мажлиса талабгорларнинг таклифларини кўриб чиқади. Танловни ўтказади.</li> <li>2. Ўз қарорини баённома билан расмийлаштиради, баённома Хукумат комиссияси аъзолари томонидан имзоланади ва унинг раиси томонидан тасдиқланади.</li> <li>3. Танлов ғолибини аниқлаш бўйича қарорни ижарага берувчига юборади.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1) 10 иш куни мобайнида;</li> <li>2) бир кун мобайнида;</li> <li>3) қарор қабул қилингандан кейин бир кун мuddатда.</li> </ol>
8-босқич	Ижарага берувчи	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Таклифларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома асосида манфаатдор томонлар иштирокида тегишли объектнинг ижара шартномаси тузилишини таъминлайди.</li> <li>2. Ижара шартномаси тузилгандан кейин белгиланган тартибда реестрга ёзувни киритади.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1) ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган мuddатда;</li> <li>2) шартнома тузилгандан кейин бир кун мuddатда.</li> </ol>

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 6 мартдаги 53-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ  
ҳудудларни инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага  
беришга доир тадбиркорлик фаолияти субъектларининг  
таклифларини кўриб чиқиш бўйича Хукумат комиссияси  
ТАРКИБИ**

- Икрамов А.И. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси
- Ходжиматов М.М. — Маданият ва спорт ишлари вазири, комиссия раисининг ўринбосари
- Фаниев Э.М. — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири
- Саидова Г.К. — Иқтисодиёт вазири
- Болтабоев М.Р. — Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаменти мудири
- Юсупов О.О. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси
- Ризаев Ф.М. — «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси
- Тохтаев А.Р. — «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

**11 (615)-сон**

**— 21 —**

**123, 125-моддалар**

- Усманов А.А. — Адлия вазирининг ўринбосари
- Мирзаев А. Ш. — Ички ишлар вазирининг ўринбосари
- Акрамов О.А. — Миллий хавфсизлик хизмати ходими
- Қўчқоров Ж.А. — Молия вазирининг ўринбосари
- Гафаров С.Х. — Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Мансуров Р.А. — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби

Изоҳ: комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.